

Ёшлар бизнинг келажагимиз

Мустақил давлатимиз ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган аҳолининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил қилади. Буни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимида “Асосий мақсадимиз – юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир” деган мавзусида қилган маърузасида ёшларимиз тўғрисида келтирилган рақамлар ҳам тасдиқлайди.

Маърузада тасдиқланишича “бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил қилади”.¹ Бу рақамлар аҳолиимизнинг аксарият кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этишидан далолат беради.

Келтирилган ушбу рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимиз, жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омилдир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар асосида инсон ва фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқлар, эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ёшларимизга ҳам тааллуқлидир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиб боришнинг ҳозирги босқичида давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири - аҳолиимизни кўпчилик қисмини ташкил қилувчи ёшларимизни манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни таъминлашдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз лозим”.²

* ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети доценти, ю.ф.д.

¹. “Халқ сўзи” рўзномаси. 2007 йил 8 декабрь. №243 (4396).

² Шу рўзномада.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни таъминлашга қаратилган мавжуд ҳуқуқий базани янада мустаҳкамламасдан, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқмасдан туриб, бу борада давлатимиз томонидан 2008 йилда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида ишлаб чиқиб амалга оширилиши керак бўлган махсус давлат дастурида белгила- ниши керак бўлган унинг асосий мақсад ва вазифаларга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда амалдаги таълим соҳасида амалга ошириб келинаётган умуммиллий давлат дастурининг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойларда бунга масъул бўлган идораларнинг масъулиятини янада ошириш ҳам ёшларимизга оид асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ёшларимизнинг тегишли бўлишига қараб, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий таълим олиши керак бўлган касбга эга бўлиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Бу йўналишда олиб борилаётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим”³.

Ёшларимизни замонавий билим ва тарбия олиши давлатимиз томонидан белгиланган мақсаднинг бир қисмини ташкил қилса, бу- ларнинг олган билимини ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ҳамда ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшлари- мизнинг ҳаётда ўзига мустаҳам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи - бу борада белгиланган мақсадимизнинг иккинчи қисмини ташкил қилади. Бу масалани эътибордан четда қолиб кетаётганлигига тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримовни “Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш - ҳозиги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими – бу ёшларни замонавий касб- ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги, шу борада, авваламбор, қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомад қилаётган ўғил-

³ Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь.

қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса, армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор”⁴ деб таъкидлаганлари, бу борадаги мавжуд камчиликларни тугатилишига дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан ушбу йилни “Ёшлар йили” деб номланиши ва шу муносабат билан “Ёшлар йили” давлат дастурида ишлайдиган, уни тайёрлашда масъул бўлган мутасаддилар, авваламбор, кенг жамоатчилик, маҳалла хотин-қизлар ташкилотлари, ота-оналар ва мураббийлар, айниқса ёшларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб, бор куч имкониятларни ана шу устувор йўналишларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида берган кўрсатмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кундалик ҳаётда ёшлар тўғрисида қуйидаги иборалар кўп ишлатилади. Ёшлар бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бу сўзларнинг замирида катта маъно ётади. Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамиятда, хоҳ давлатда бўлсин, унинг равнақини келажагини, демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида шахдам қадамлар қўйиб илгарилаб бораётган мустақил республикамизни келгусидаги ривожини, тараққиётини ёшларимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу масала бўйича Президентимиз И.А.Каримов ўзининг юқорида кўрсатиб ўтилган мавзусида қилган маърузасида “Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз” деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Лекин мен ... бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафакат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”⁵ деб билдирилган ишончлари ўйлайманки барча соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимизга куч ғайрат бағишлаб, ўз вазифаларини юқори даражада бажаришга даъват этади ва бу борада уларнинг масъулиятларини янада оширишларида дастурамал бўлиб хизмат қилади.

⁴ Шу манба.

⁵ Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь №243 (4396)

Ёшлар йилида ёшларимизнинг манфаатларини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан кўзда тутилаётган ва давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, жорий йилнинг бошланишиданоқ бошлаб юборилди десак, муболаға бўлмайди. Фикримизнинг далили сифатида Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 1 декабрда маъқулланган, 2008 йил 8 январдан бошлаб кучга киритилган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўрсатишимиз мумкин.

Бу қонун 32 та моддани ўз ичига олган тўртта бўлимдан иборат бўлиб, умумий қоидалар, бола ҳуқуқларининг асосий кафолотлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолотлари ва яқунловчи қоидаларга оид масалалар қонуний тарзда кўрсатилган. Бу қонун ўзининг мақсади билан, бола ҳуқуқларининг кафолотлари борасидаги муносабатларини тартибга солиши билан бошқа қонунлардан фарқ қилади ва ўзининг ана шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

Бу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

а) бола (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунча) қадар бўлган шахс (шахслар):

б) боланинг қонуний вакиллари- ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар:

в) етим бола - отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола:

г) жисмоний ва ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола:

д) ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар:

е) ногирон бола:

ё) ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар:

ж) ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола.

Қонуннинг учинчи моддасида кўрсатилган бу асосий тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мазмунга эга бўлиб, ўзларининг мазмуни билан фарқ қилади.

Бола ҳуқуқларининг кафолотлари тўғрисидаги қонун, Президентимизнинг маърузасида кўрсатилган 10 миллион 360 минг болани ҳуқуқларини кафолотлаб берди. Бу ўз навбатида мамлакатимиздаги умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини ташкил қиладиган 18 ёшгача бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқларини қонуний тарзда кафолатланганлигидан далолат беради.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг йўналишлари ўз ифодасини топган. Ушбу модданинг мазмунига кўра, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишни таъминлаш, бола ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи қарорлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, болаларни ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсевар туйғуларини тарбиялаш, болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, боланинг шахсни, унинг илмий техникавий ва бадий ижодкорлигини ривожлантириш, балалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, бола ҳуқуқини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайитишга кўмаклашиш.

Давлат сиёсатининг асосий йўналишида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажаришлик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига катта масъулиятлар юклайди. Чунки бу органлар бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўзларига берилган ваколатлардан фойдаланиб, болаларга берилган ва қонуний тарзда кафолатланган ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз вақтида ҳал қилишлари керак. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари мазкур қонуннинг тўртинчи моддасида ўз ифодасини

топган. Шу билан бирга, бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ҳам болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашиш билан бирга, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатишлари керак.

Мазкур қонуннинг иккинчи боби бола ҳуқуқларининг асосий қафолотларига бағишланган бўлиб, бунда, бола ҳуқуқларининг қонуний қафолотлари, боланинг яшаш ҳуқуқи, боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, боланинг оилавий муҳитига бўлган ҳуқуқи, боланинг ғайриқонуний кўчирилишидан ҳимояланиш ҳуқуқи, боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, боланинг ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларининг қонуний қафолотлари ва буларнинг мазмуни баён қилиб берилган (қонуннинг 7-23 - моддалари).

Мазкур қонуннинг учинчи боби ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқининг қўшимча қафолотларига бағишланган. Бу бобда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила ҳуқуқи, уларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқлари, ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи, ногирон болалар, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи ва нихоят ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқининг қафолотлари кўрсатиб берилган (Қонуннинг 24-29-моддалари).

Низоларни ҳал қилиш, бола ҳуқуқларини қафолотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ва ушбу қонун кучга кириши масалалари ушбу қонунни яқунловчи қоидалари деб номланган 4 бобида ўз ифодасини топган (Қонуннинг 30-32-моддалари).

Ушбу қонуннинг мазмунидан шуни аниқлаш мумкинки, аҳолиимизнинг 40 фоизига яқин қисмини ташкил қилган, 18 ёшгача бўлган турли тоифадаги болалар ҳуқуқларининг қафолотлари тўғрисидаги қонуни “Ёшлар йили”нинг бошланишиданок давлатимиз томонидан қабул қилиб кучга киритилганлиги, ўз навбатида мустақил давлатимизни демократик характердалигидан,

бағрикенглигидан, ёшларга нисбатан ғамхўрлигидан ва меҳрибонлигидан, уларга берилган ҳуқуқларни ўз ҳимоясига олганлигидан далолат беради ва бола ҳуқуқларининг кафолотлари соҳасидаги муносабатларни эътиборга олишга оид қонунда белгилаб қўйилган мақсадларни бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.